

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АЛОҲИДА ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖЛАРИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ҲУҚУҚЛАРИ

Ш.Авазова

Низомий номидаги ТДПУ катта ўқитувчиси,
юримдик фанлар номзоди

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг таълим ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек инклюзив таълимни ташкил этиш борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Ногиронлиги бўлган шахс, инсон ҳуқуқлари, таълим ҳуқуқи, инклюзив таълим, тиббий-ижтимоий экспертиза, педагог-дефектолог.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, уларга ҳаётда тенг имконият ва шароитлар яратиш бериш, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш ва уни амалга ошириш муаммоларини ҳал қилиш долзарб аҳамиятга эга бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида ҳам алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилишини таъкидлади[1].

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш катта ва кўпгина омилларга боғлиқ масала ҳисобланади. Шу боис, жамиятимизнинг бир бўлаги бўлган махсус ёрдамга муҳтож болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга таълим-тарбия бериш, уларнинг соғлом болалар қаторидан ўрин олиб ўз қобилияти, имкониятларини кўрсата олишига, маънавий камол топишига шароит яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижаси сифатида Ўзбекистон Республикасида инклюзив таълимни ривожлантириш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини такомиллаштириш ҳамда уларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, 2020 йил 15 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий



асослари мустаҳкамланган. Мазкур қонунга кўра ногиронлиги бўлган болалар (бола) — барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки рухий нуқсонлари туфайли ҳаётий фаолияти чекланганлиги муносабати билан давлат ва жамият томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилишига ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар ҳисобланади [2]. Қонунга кўра Ногиронлиги бўлган шахслар барча даражалардаги таълим ташкилотларида таълим олиш ва ўз қобилиятини янада тўлиқроқ ривожлантириш учун бутун умри давомида таълим олиш ҳамда жамият ва давлат ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг инклюзив таълимини ривожлантиришни, уларнинг таълим олиши ва касбий тайёргарликдан, қайта тайёрлашдан ва малака оширишдан ўтиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини кафолатлаши, таълим ташкилотлари давлат органлари билан биргаликда ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабгача, мактабдан ташқари ва умумий ўрта таълим олишини, шунингдек ўрта махсус, профессионал, олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълими олишини таъминлаши қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

Агар ногиронлиги бўлган болаларни таълим муассасаларида ўқитишнинг вақтинча имкони бўлмаса, таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ва таълим муассасалари ногиронлиги бўлган болаларнинг соҳага оид шифокорлар тавсиялари асосида ҳамда ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан уйда ўқитилишини таъминлайди.

Ногиронлиги бўлган болаларни уйда ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат ногиронлиги бўлган болаларнинг бепул умумий ўрта, мактабдан ташқари, ўрта махсус ва профессионал таълим олишини кафолатлайди.

Ногиронлиги бўлган шахсларни тўловдан озод қилган ҳолда ёки имтиёзли шартлар асосида махсус ўқув қўлланмалари ва адабиётлар, шунингдек сурдотаржимонлар хизматларидан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Нодавлат таълим ташкилотлари ногиронлиги бўлган шахсларни (болаларни) ўқитганлик учун тўлов бўйича имтиёзлар белгилашга ҳақли.

Ногиронлиги бўлган шахсларга таълим бериш, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш турли шаклларда, шу жумладан ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда, экстернат шаклида, шунингдек масофавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда, умумий



типдаги таълим муассасаларида ва ташкилотларида, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, уйда, махсус гуруҳларда, синфларда ва якка тартибдаги ўқув режалари бўйича ўқитиш йўли билан амалга оширилиши кўзда тутилган.

Ногиронлиги бўлган болаларни ҳар томонлама ва уйғун ривожлантириш, уларда ижтимоий фаолликни шакллантириш, меҳнатга иштиёқ уйғотиш, уларни илм-фанга, техникага, санъатга ва спортга жалб этиш мақсадида таълим муассасалари ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабдан ташқари таълимдан фойдаланишини, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратган ҳолда, давлат органлари билан биргаликда таъминлаши шарт эканлиги белгилаб қўйилган.

Давлат органлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳар бири учун мосроқ бўлган тилларни, мулоқот қилиш усуллари ва воситаларини ривожлантириш, Брайль алифбосини, муқобил ҳарфларни, нутқ ва оғзаки муомала кўникмаларини ўзлаштириш, шунингдек ўқитувчиларни ва мактаб ходимларини инклюзив таълим масалаларида ўқитиш, имо-ишора тилини ва Брайль алифбосини биладиган ногиронлиги бўлган ўқитувчиларни таълим муассасаларига ишга жойлаштириш ёрдамида ногиронлиги бўлган шахслар учун таълим тизимини такомиллаштириш чораларини кўриши назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармонига мувофиқ қабул қилинган концепцияда алоҳида шароитларда тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болаларнинг таълими борасидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Имконияти чекланган болаларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш халқ таълими тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиб, қуйидаги вазифалар белгилаб берилди:

имконияти чекланган болалар таълим оладиган таълим муассасалари биноларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

имконияти чекланган болалар ўқитиладиган таълим муассасаларини зарур адабиётлар, методик қўлланмалар, турли касбларга ўқитиш учун бўладиган ускуна ва жиҳозлар билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;



имконияти чекланган болаларни ўқитиш учун инклюзив таълим тизимини ташкил этиш, умумтаълим муассасаларини махсус мосламалар (кўтариш қурилмаси, пандус, тутқич, бошқалар), шунингдек тегишли кадрлар (педагог-дефектолог, болаларни руҳий-педагогик кузатиш бўйича мутахассислар) билан таъминлаш;

жамоатчилик ўртасида имконияти чекланган болаларнинг билим олиш ҳуқуқи, инклюзив ўқитишнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

ота-она қарамоғисиз қолган болаларни тарбиялашнинг муқобил шакллари кенг жорий этиш;

ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий талаб-эҳтиёжидан ва таълим муассасаларининг географик жойлашувидан келиб чиққан ҳолда махсус мактаб-интернатларни оптималлаштириш;

имконияти чекланган болаларнинг мослашиши ва интеграцияси учун мактаб-интернатларни босқичма-босқич махсус жиҳозлар билан таъминлаш;

имконияти чекланган ҳар бир боланинг инклюзив таълим олишига бўлган ҳуқуқини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш[3].

Мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори, 2020 — 2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш Концепцияси, 2020 — 2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепциясини 2020-2021 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим беришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори асосида “Умумий ўрта таълим ташкилотларида инклюзив таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом”, “Жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари тўғрисида Низом”, “Санаторий туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисида Низом”, “Жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болаларга уйда яқка тартибда таълим бериш тартиби тўғрисида Низом”, “Психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тўғрисида Низом” ишлаб чиқилди.

Маълумки, 2021 йил 29 май куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг мажлисида “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни



ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси муҳокама этилди ва тасдиқланди. Мазкур Конвенция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 13 декабрда қабул қилинган ва 2008 йил 3 майда кучга кирган. Конвенцияда ногиронларнинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, хусусан, уларнинг яшаш, фуқаролик, ҳуқуқий ҳимояланиш, таълим олиш, саломатликларини сақлаш, бошқалар билан тенг равишда меҳнат қилиш, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётда, бўш вақтни ўтказиш, дам олиш ва спорт билан шуғулланишда иштирок этиш, ўзлари ва оиласи учун етарлича турмуш шароитига эга бўлиш ва ижтимоий ёрдам ҳуқуқлари эътироф этилган. Ушбу ҳуқуқларни амалга оширишнинг кафолатлари белгиланган. Конвенциянинг ратификация қилиниши ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини, хусусан таълим ҳуқуқларини таъминлаш масаласи янада жиддий эътиборни талаб қилади.

Юқорида таъкидланганидек, ногиронлиги бўлган болаларнинг таълим ҳуқуқларини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди. Уларни амалга ошириш самарали бўлиши учун аввало сифатли кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор бериш зарур. Жисмоний, ақлий, сенсор ёки рухий нуқсонлари бўлган болаларни бошқа болалар билан тенг таълим олишини амалга ошириш, бу жараёнда уларнинг камситилишига йўл қўймаслик учун педагогик ходимлардан чуқур билим ва малака талаб қилинади.

REFERENS

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи, 22 Февраль 2021.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонуни, 2020 йил 15 октябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ.
4. Tuxtamratovna, S. A. (2022). Issues of codification of norms of Islamic law. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 311-314.
5. Sanaqulov, A. N. Prospective Directions of Effective Use of Virtual Technologies in Increasing the Power of Youth. *JournalNX*, 897-903.
6. Санакулов, А. (2017). Духовность-основа информационной безопасности. *Молодой ученый*, (19), 231-234.



7. Nazarovich, S. A. (2022). DEVELOPMENT OF INFORMATIONAL IMMUNITY AS THE KEY TO INCREASING THE INFORMATION CULTURE OF PEOPLE. *Conferencea*, 191-196.
8. Nazarovich, S. A., & Olimjanovich, X. A. (2022). FEATURES OF PREVENTING METAMORPHOSIS OF SPIRITUAL AND MORAL VALUES IN THE VIRTUALIZATION OF PUBLIC LIFE. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(7).
9. Sanaqulov, A. (2022). FEATURES OF PREVENTING METAMORPHOSIS OF SPIRITUAL AND MORAL VALUES IN THE VIRTUALIZATION OF PUBLIC LIFE. *International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECS)*.
10. Санакулов, А. Н. (2022). ОБЕСПЕЧЕНИЕ МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ В ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ. *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*, 1(5), 290-296.
11. Nazarovich, S. A. (2022). SPIRITUAL ASPECTS AND SECURITY IN THE INFORMATION SOCIETY. *Conferencea*, 94-99.
12. Санакулов, А. Н., & Бобоёров, Ш. Б. (2022). ЁШЛАРДА ВИРТУАЛ РЕАЛЛИК (VR) ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИ. *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*, 1(5), 281-289.
13. Собирова М.А.(2023). РАЗВИТИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ДУХОВНОСТИ ПОСРЕДСТВОМ НАЦИОНАЛЬНЫХ ОБЫЧАЕВ, ТРАДИЦИЙ И ЦЕННОСТЕЙ. *Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies*, 2(1), 172–179. Retrieved from.
14. Sobirova M.A. (2022). THE SUCCESS OF THE INFORMATION AGE AND PROBLEMS. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 11, 111-115.
15. Sobirova, M., & Giyasova, M. (2019). Conventions and Traditions of Uzbekistan as a Spiritual Factor of Youth Education.
16. Собирова, М. А. (2013). Значение духовных ценностей в развитии национальной духовности. *Актуальные проблемы современной науки*, (5), 83-86.
17. Собирова, М. А. (2019). Формирование патриотической позиции молодежи на примерах героизма народов Узбекистана в годы Второй мировой войны. *Эшелоны идут на восток. Эвакуация в Узбекистан в годы Великой Отечественной войны*, 232.



18. Халиков, И., Собирова, М. А., & Муминов, Ш. (2016). МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПО ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ. *Современные гуманитарные исследования*, (3), 121-126.
19. Собирова М.А, Муминов Ш. (2015) АКСИОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД В ПРОЦЕССЕ ПОДГОТОВКИ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ. Актуальные проблемы современной науки,(6), 134-137.
20. Халиков, И., Собирова, М., & Норбоев, А. (2015). ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ОРГАНОВ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЙ В СТРАНАХ СНГ И ИХ МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО. *Вопросы гуманитарных наук*, (5), 18-25.
21. Халиков, И., Собирова, М. А., & Норбоев, А. (2015). РОЛЬ ОРГАНОВ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЙ В СТРАНАХ СНГ ПО ВОПРОСАМ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ И ЛИКВИДАЦИИ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ ПРОИСШЕСТВИЙ. *Аспирант и соискатель*, (6), 92-97.
22. Safoyevich, J. X., & Farrukh, N. (2021). The Relationship Between the West and the Islamic World in International Geopolitical Processes. *Middle European Scientific Bulletin*, 17, 280-283.
23. Sapayevich, J. X. (2022). OPPORTUNITIES OF CENTRAL ASIAN STATES IN THE SYSTEM OF INTERNATIONAL GEOPOLITICAL RELATIONS. *World Bulletin of Social Sciences*, 9, 129-131.
24. Dilorom, K. (2022). The fate and activity of the jadids in the soviet period. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(10), 207-213.
25. Mamarasulovich, A. B. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL FOUNDATIONS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 11, 154-163.
26. Negmatov, BM, & Xodjaeva, DY (2021). Amir temur va milliy-harbiy o'yinlarning rivojlanishi. *ACADEMICIA: Xalqaro multidisipliner tadqiqot jurnali*, 11 (10), 1878-1881.
27. Negmatov, B. M., & Xodjaeva, D. Y. (2021). Amir temur and the development of national-military games. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 1878-1881.
28. Mamarasulovich, A. B. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL ASPECTS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. *Conferencea*, 197-201.
29. Абсатторов, Б. М. (2022). ТАСАВВУФ–ЎЗ–ЎЗИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҲАҚИҚАТНИ БИЛИШ ЙЎЛИ СИФАТИДА. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 167-173.



30. Nizomi, A. B. M., & Al-Khorazmi, K. A. O. (2022). Sufism as a way of self-implementation and knowledge of the truth. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 199-204.
31. МАМАРАСУЛОВИЧ, А. В. (2019). Общность общечеловеческих и национальных ценностей в нравственном развитии. *ILM SARCHASHMALARI*.
32. МАМАРАСУЛОВИЧ, А. В. (2018). Zamonaviy sivilizatsiya rivoji va uning axloqiy mezonlari. *TDPU ILMIY AXBOROTLARI*.
33. МАМАРАСУЛОВИЧ, А. В. (2018). INNOVATORY METHODS OF WORKING WITH UNORGANIZED YOUTH. *European Science Riview*.
34. Samiyevich, T. B. (2022). Education of youth in the Hadiths of Imam al-Bukhary. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 98-101.
35. Samiyevich, T. B. (2022). The role of the scientific heritage of ancestors in improving the intellectual competence of young people. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 102-105.
36. Samiyevich, T. B. (2021). THE SIGNIFICANCE OF MIRZO ULUGBEK'S HISTORY OF FOUR ULUSES IN YOUTH EDUCATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(11), 269-274.
37. Samiyevich, T. B. (2021). The Role Of The Concept Of Innovative Development In The Education Of The Third Renaissance. *Texas Journal of Philology, Culture and History*, 1, 58-62.
38. Otaboevich, K. M. (2021). Model of Developing Ideological Competence in Students. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 1284-1292.
39. Xo'jayev, M. O. (2020). THE ROLE OF THEORY AND PRACTICE IN THE DEVELOPMENT OF IDEOLOGICAL COMPETENCE IN STUDENTS. *Theoretical & Applied Science*, (9), 18-20.
40. Otaboyevich, K. M. (2022). Study of the problem of developing students' ideological-ideological competence in philosophical-pedagogical literature. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 88-93.
41. Otaboyevich, K. M. (2020, December). DEVELOPMENT OF IDEOLOGICAL POTENTIAL OF STUDENTS OF PEDAGOGICAL HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTION ON THE BASIS OF NATIONAL AND SPIRITUAL VALUES. In *Archive of Conferences* (Vol. 10, No. 1, pp. 9-11).
42. Otaboevich, K. M. (2022). Legal fundamentals of developing ideological and ideological competence in students. *World Bulletin of Social Sciences*, 8, 96-100.
43. Соби́рова, М. А., Саматов, Х., & Никитченко, Г. В. (2015). ВОСПИТАНИЕ ПОЛИТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ СТУДЕНЧЕСКОЙ



МОЛОДЕЖИ СОВРЕМЕННОГО УЗБЕКИСТАНА. *Педагогические науки*, (4), 46-48.

44. Tuxtamratovna, S. A. (2022). Issues of codification of norms of Islamic law. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 311-314.
45. Olimjanovich, X. A. (2023, January). МОНИЙ ТАЪЛИМОТИ ВА ТАСАВВУФ ЎЗИГА ХОС ЎХШАШЛИК ВА ФАРҚЛАР. In *Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies* (Vol. 2, No. 1, pp. 244-251).
46. Эшпулатов, М. (2023, January). ЎҚУВЧИ ЁШЛАРДА МАЪНАВИЙ-ТАРБИЯВИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АДАБИЁТ ОМИЛИ. In *Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies* (Vol. 2, No. 1, pp. 186-195).
47. Qaxharova, M., & Absattorov, B. M. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. *The Light of Islam*, 2020(1), 110-115.
48. Абсаттаров, Б. М., & Юсупова, Н. А. (2020). Эволюция взглядов об этике, этических критериях и этических нормах. *Учёный XXI века*, (12-1 (71)), 75-81.
49. Absattarov, B. M. (2019). EVOLUTION OF VIEWS ON ETHICS, ETHICAL CRITERIA AND ETHICAL STANDARDS. In *НОВАЯ НАУКА: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ* (pp. 135-141).
50. Absattarov, B. M. (2019). SPIRITUAL AND MORAL DEVELOPMENT OF THE PERSON IN MODERN WORLD. *Central Asian Problems of Modern Science and Education*, 4(2), 167-173.
51. MAMARASULOVICH, A. B. (2021). Баркамол ёшларни тарбиялашда маънавий-ахлоқий мезон ва меъёрларнинг ўрни. *АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ХАБАРНОМА*.
52. Холмўминов, Ж. (2008). Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти [Джами и учение ваҳдат ал-вуджуд]/Масъул муҳаррир: Н. Комилов. *Тошкент: «Ozbekiston milliy ensiklopediyasi*, 232.
53. Халмуминов, Д. (2006, May). Влияние учения Ибн ал-‘Араби на развитию мистических аспектов суфийских орденов Центральной Азии. In *Суфизм в Иране и Центральной Азии. Материалы Международной конференции. 2-3 мая 2006 года г. Алматы* (p. 256).
54. Холмўминов, Ж. М. (2021). МОВАРОУННАХР ФАЛСАФИЙ-ИРФОНИЙ МАКТАБЛАРИ ВА ИБН АЛ-АРАБИЙ ТАЪЛИМОТИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 803-811.
55. Kholmuminov, J. M. (2022). THE POSITION OF TASAVVUF AND IRFAN IN MAVERUNNAHR AND KHORASAN: IBN AL-ARABI AND



ABDURAHMAN JAMI (A COMPARATIVE ANALYSIS). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(9), 76-92.

56. Холмуминов, Д. М. (2020). ВАХДАТ УЛ-ВУЖУД ТЕОЛОГИК ТАЪЛИМОТИ ВА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ КОНСЕНСУС*, 1(1).

57. Kholmuminov, J., & Narzulla, J. (2020). INFLUENCE OF VAHDAT UL-WOOJUDE PHILOSOPHY (UNITY OF BEING) ON NAKSHBANDIYA DOCTRINES Transformation processes and special features. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(2), 297-307.

58. Холмуминов, Д. М. (2020). УЧЕНИЯ НАКШБАНДИЯ И ФИЛОСОФИЯ «ВАХДАТ УЛ-ВУДЖУД»(ЕДИНСТВО БЫТИЯ). *Qazaqtaný*, 74.

59. Kholmuminov Jafar Muhammadiyevich. (2022). COMPARATIVE SUFI STUDIES AS A METHODOLOGY FOR STUDYING THE HISTORY AND PHILOSOPHY OF SUFISM. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 11, 116–124.

60. Холмўминов, Ж. М., & Валиев, С. Ю. Ў. (2022). ИБН АЛ-АРАБИЙ–“ВАХДАТ УЛ-ВУЖУД” ТЕОЛОГИК-ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИ АСОСЧИСИ. *Academic research in educational sciences*, 3(5), 185-196.

61. Холмуминов, Д. М. (2022). “ҚИЁСИЙ ТАСАВВУФШУНОСЛИК”: МЕТОДОЛГИЯ ВА ФАН. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ КОНСЕНСУС*, 3(2).

62. To'yeva Muhayyo Shuhrat qizi. (2023). XOTIN-QIZLARNING HUQUQLARI HAMDA IJTIMOIIY FAOLLIGINI OSHIRISH OILA VA JAMIYATDAGI MAVQEYINI YUKSALTIRISH MASALALARI. *Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies*, 2(1), 155–164.

